

СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ СОЦИАЛ-ИҚТИСОДИЙ ВА ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРИ

Усманова Роҳатжон

Қарши давлат университети *География фанлари номзоди. (PhD)*

Хушмуродов Фаррух Мирзомуродович

Қарши давлат университети *Таянч докторант (PhD)*

Аннотация: мақолада Қашқадарё воҳасида суғориладиган ерлардан фойдаланишнинг бугунги кунда долзарб масалалари ҳақида баён этилган. Воҳа ижтимоий-иқтисодий ривожланишига суғориладиган ерлардан фойдаланишга табиий ва антропоген омилларнинг таъсири ҳамда иккиламчи шўрланиш жараёнида ердан фойдаланишнинг географик-экологик муаммолари қараб чиқилган.

Таянч сўзлар: ер фонди, суғорма деҳқончилик, чўлланиш, арид, деградация, шўрланиш, ландшафт.

Социально-экономические и экологические проблемы использования орошаемых земель

Усманова Роҳатджон

Қаршинский государственный университет кандидат географических наук (PhD)

Хушмуродов Фаррух Мирзомуродович

Қаршинский государственный университет Базовая докторантура (PhD)

Аннотация: В статье рассмотрены актуальные вопросы использования орошаемых земель в Кашкадарьинском оазисе. Рассмотрено влияние природных и антропогенных факторов на использование орошаемых земель для социально-экономического развития оазиса, а также географические и

экологические проблемы землепользования в процессе вторичного засоления.

Ключевые слова: земельный фонд, орошаемое земледелие, почвы, ариды, деградация, засоление, ландшафт.

Socio-economic and ecological problems of irrigated land use

Usmanova Rohatjon

Karshi State University Candidate of Geographical Sciences (PhD)

Khushmurodov Farrukh Mirzomurodovich

Karshi State University Basic Doctorate (PhD)

Annotation: The article describes the current issues of irrigated land use in the Kashkadarya oasis. The impact of natural and anthropogenic factors on the use of irrigated lands for the socio-economic development of the oasis, as well as the geographical and environmental problems of land use in the process of secondary salinization are considered.

Keywords: land fund, irrigated agriculture, soil, arid, degradation, salinization, landscape.

Кириш ва долзарблиги. Маълумки, ҳар қандай мамлакатнинг ер майдони унинг муҳим миллий бойлиги саналади. Қишлоқ хўжалиги мамлакат иқтисодиётининг энг муҳим ва етакчи тармоғи ҳисобланади. Ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида давлатимиз томонидан сиёсий, ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган чора тадбирлар амалга оширилмоқда. Бироқ, бу умумий ҳолат бўлиб, бу борада энг аввало қишлоқ хўжалигида фойдаланадиган ерлар, хусусан бизнинг шароитимизда суғориладиган ерлар катта аҳамиятга эга. Ерлардан фойдаланиш, айниқса қишлоқ хўжалиги ерларидан самарали фойдаланиш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистонда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, мелиорация ва ирригация

объектлари тармоқларини ривожлантириш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Асосий қисм. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги ерлари 20,2 млн га (45 %)ни ва шундан 4,3 млн и ёки 9,5 фоизи суғориладиган ерлардан иборат ҳамда ушбу ерлар республикамизнинг “олтин фонди” ҳисобланади. Қашқадарё воҳаси иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги муҳим роль ўйнайди. Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи ва саноатни хом ашё билан таъминлаш айнан қишлоқ хўжалиги зиммасига юкланганлигини инобатга оладиган бўлсак, унинг мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида муҳим ўрин тутиши яққол намоён бўлади. Шунинг учун қишлоқ хўжалигини ҳудудий ташкил этиш ва ихтисослаштириш ҳамда ер, меҳнат ресурслари асосий ҳамда айланма фондларидан самарали фойдаланиш имкониятини бериш ижтимоий меҳнат унумдорлигини, ялпи маҳсулот ҳажмининг ортишини таъминлайди.

Қашқадарё воҳаси республикамизда ғалла ва пахта етиштириш бўйича биринчи ўринда туради. Ҳудудда ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида коллектор-дренаж тармоқлари қурилган. Қашқадарё воҳасида суғориладиган деҳқончиликни ривожлантириш мақсадида суғориш каналлари ва сув омборлари, суғоришни ташкил этиш учун йирик насос станциялари барпо этилган. Воҳада қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтириш мақсадида Қарши чўлида янги ерлар ўзлаштирилган.


Қурғоқчил (арид) иқлим минтақасида жойлашган Қашқадарё вилояти ўзининг эгаллаб турган ер майдони бўйича Ўзбекистонда энг йирик вилоятлардан ҳисобланиб, унинг умумий ер майдони 2856,8 минг гектарни ташкил этади. Қашқадарё вилояти статистика бошқармаси 2020 йил январь ҳолати маълумоти бўйича, 2143,3 минг гектар майдони қишлоқ хўжалик ерлари бўлиб, шундан 417,2 минг гектар ерга суғориладиган деҳқончилик ва 253,2 минг гектар майдонда лалмикор деҳқончилик қилинади ўрмонлар 109,1 минг гектарни, боғлар ва токзорлар 35670 гектарни ташкил этади [2.]. Мамлакатларда аҳоли сонини тўхтовсиз ошиб бориши, мамлакатларнинг

аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш, мақсадида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун экин майдонларининг кенгайтириб бориш заруриятини юзага келтиради. Натижада суғорма деҳқончиликни ривожлантириш билан биргаликда ердан фойдаланишда табиий ва антропоген омилларнинг салбий таъсирлари ҳам юзага кела бошлайди. Бу омиллар билан биргаликда суғориладиган ерларнинг деградациясига – бузилишига ва атроф табиий муҳитнинг ифлосланишига, яъни геоэкологик вазиятнинг салбий ўзгаришига олиб келган ҳолда суғориладиган ерларда етиштириладиган экинлари ҳосилдорлигининг камайишига, қишлоқ хўжалик экинларни етиштириш учун қилинадиган харажатларнинг яъни, маҳсулот таннархининг ошишига сабаб бўлади.

Қашқадарё воҳаси ҳам қадимдан суғориладиган ва суғорма деҳқончилик ривожлана борган ҳудудлардир. Дунёнинг барча илк цивилизациялари суғориладиган деҳқончилик ҳудудларида пайдо бўлган ва ривожлангани каби, Қашқадарё воҳасида ҳам деҳқончилик асосан сунъий суғориш асосида юзага келгандир. Натижада суғорма деҳқончилик бир қатор салбий экологик оқибатларга сабаб бўлади. Воҳанинг суғориладиган деҳқончилик зоналарида қишлоқ хўжалигига сув эрозияси, шамол эрозияси, гравитацион жараёнлар, сел ҳодисалари, лойқа босиши, ботқоқланиш, шўр босиш, қатқалоқ ҳосил бўлиши каби табиий географик жараёнлари энг кўп салбий таъсир кўрсатишини билан кузатиш мумкин. Антропоген омилларга ерларни нотўғри суғориш ҳамда қишлоқ хўжалик ерларининг ерларнинг ифлосланиши, табиат ресурсларидан нооқилона фойдаланиш, яъни саноат чиқиндилари, тош, қум ва минералларни қазиб олиш кабилар киради. Вилоятда узоқ тарихий даврлар давомида кўплаб сув иншоотларининг барпо этилишига боғлиқ ҳолда суғориладиган ерларнинг майдони кенгая борган. Қашқадарё воҳасида 5157 км дан ортиқ каналлар мавжуд бўлиб, ушбу каналлар орқали қишлоқ хўжалиги экинлари ва аҳоли хўжаликлари учун хизмат қилмоқда. Кейинги йилларда вилоятдаги суғориладиган ерлар

майдонининг кенгайиши мелиоратив ҳолатини яхшилашни талаб қиладиган ерлар майдони ҳам кенгайишига сабаб бўлди.

Қашқадарё вилоятининг суғориладиган ер майдонининг 1915-2020 йиллар давомида ўзгариш диаграммаси (1- расм.)ни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, кейинги йилларда қурғоқчилик, чўлланиш ва иккиламчи шўрланиш натижасида суғориладиган ер майдонлари камайиб бормоқда, буни қуйидаги маълумотлардан билиш мумкин.




1-расм. Қашқадарё вилоятининг суғориладиган ер майдони (1915-2020 йй.).

Жами ер фонди ва умумий қишлоқ хўжалиги ерлари таркибида экин ерлар, жумладан суғориладиган ерлар унча катта майдонларни эгалламайди. Шу боис, мавжуд суғориладиган ерлардан самарали фойдаланиш, уларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва унумдорлигини, қишлоқ хўжалигининг самарадорлигини ошириш муҳим ва долзарб аҳамият касб этади. Суғориш эрозияси агроирригацион ландшафтларда сув-физикавий ва агрономик-кимёвий хоссаларнинг ўзгаришига, яъни ёмонлашувига олиб келмоқда. Бу жараёнлар туфайли тупроқлардаги чиқинди, азот ва бошқа озиклантирувчи моддаларнинг миқдори ҳам камайиб боради. Тупроқдаги моддаларнинг камайиши эса минерал ўғитлардан анча кўп миқдорда фойдаланишни тақозо этади [1; 45-48 б.].

Ердан оқилона фойдаланишнинг устувор йўналишларидан асосийларини белгилашда ер ресурсларини замонавий ҳолатини ўрганиш,

уларнинг миқдор ва сифатини белгилаш муҳим аҳамият касб этади. Булар энг аввало, тупроқларнинг сифат ҳолати – бонитировкасини аниқлаш билан чамбарчас боғлиқ. Бу муаммони бартараф этиш учун вилоят тупроқ бонитетларини аниқлаш тадбирлари амалга оширилмоқда. Қашқадарё вилояти статистика бошқармаси 2020 йил январь ҳолати маълумотларини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатадики, суғориладиган ерлар бўйича энг юқори бонитети Шаҳрисабз тумани (72 балл)да кузатилади. Тупроқ бонитети суғориладиган ерларнинг шўрланиш даражаси, ер ости сувларининг жойлашиши каби омиллар таъсири кам бўлган Яккабоғ (60 балл), Касби (64 балл) ва Қамаш (58 балл) туманларида ҳам вилоят ўртача кўрсаткичидан юқори натижага эришилган. Қолган туманларда бонитет вилоят ўртача кўрсаткичларидан паст.

Чўл зонаси ҳудудларида жойлашган туманларда ерларнинг сифатини яхшилаш устувор вазифа ҳисобланади. Ҳозирги кунда вилоятда тупроқни хариталаштириш ва тупроқ бонитировкасига тузатиш натижалари шуни кўрсатадики, кейинги йилларда чўл туманларида тупроқ сифатининг пасайиб бораётганлиги кузатилмоқда. Қашқадарё вилояти статистика бошқармаси [2] 2020 йил январь ҳолати маълумоти бўйича, вилоятда (0-100 см қалинликда) шўрланган майдон 232309 га жами майдонга нисбатан 45.2% бўлиб, шундан кучли шўрланган майдон 9600 га, кучсиз шўрланган майдон 184580 га ва ўртача шўрланган майдон 38129 га ни ташкил этади. Қуйидаги 2-расмда вилоят туманлари суғориладиган ер майдонларининг шўрланиш даражаси ва кучли шўрланган майдонларнинг ҳолати тасвирланган.



**Қашқадарё вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.*

2- расм. Қашқадарё вилояти туманларининг суғориладиган ер майдонларининг а) шўрланган майдон минг га ҳисобида: б) кучли шўрланган майдон га ҳисобида (2020 й.).

Ҳозирги кунда суғориладиган ерларнинг 8 фоизига яқини ёки 325 минг гектари мелиоратив ҳолати ёмон ерлар ҳисобланади. Берилган 2-расмдаги маълумотлардан маълумки, Миришкор туманида у ёки бу даражада шўрланган ерлар майдони 30,3 минг гектарни, Косон туманида 46,9 минг гектарни, Муборак туманида 28,8 минг гектарни ва Нишон туманида 34,6 минг гектарни, Касби 31,3 минг га, Қарши 23,0 минг га, Ғузор 22,7 минг га, Қамашаи 16,2 минг га ер майдони шўрланган. Шундан кучли шўрланган майдонлар Косон туманда 2700 га., Муборак туманда 2840 га., Нишон туманда 1834 га. тўғри келади (2-расм). Суғориладиган тупроқларнинг шўрланиш даражаси ҳам дарёнинг қуйи қисми томон қонуний равишда ортиб боради. Масалан, Қашқадарё дарёсининг тоғли қисмида суғориладиган тупроқларда шўрланиш йўқ ҳисобида. Бу ўз навбатида, тупроқлар шўрланиш даражасининг юқорилиги ҳамда ер ости сувлари сатҳининг кўтарилиши туфайли юз берган.

Вилоят чўл зонасида жойлашган туманларда ер ости сувларининг кўтарилиши суғориладиган майдонларда мелиоратив ҳолатини яхшилашни талаб этади. Хусусан Муборак, Нишон ва Косон туманларида тупроқ таркибида тузларнинг концентрацияси ошиб бормоқда. Бунинг олдини олиш учун мавжуд зовур ва ирригация иншоотларини таъмирлашга маълум миқдорда капитал маблағларни ажратиш ва ундан самарали фойдаланиш лозим.

Вилоят туманлари тупроқ сифатини таҳлил қилиш шундан далолат берадики, тоғ ва тоғ олди ҳудудлари жойлашган туманларда юқори тупроқ сифатига эга. Бунга асосий сабаб бу туманларнинг ўзига хос табиий географик жойлашувини кўрсатиш лозим. Чунки тоғ ва тоғ олди ҳудудларида юқори даражада шўрланишни келтириб чиқарадиган омиллар таъсири кам бўлади. Шу билан бирга тоғ ва тоғ олди ҳудудларида жойлашган туманларда

шўрланган ерларнинг салмоғи эса олиб борилаётган мелиоратив ва агротехник тадбирлар таъсирида янада яхшиланмоқда. Чунки, юқори зонада жойлашган туманларда пахта майдонлари қисқартирилиб ғалла, пичан, боғдорчилик, сабзаёт экинлари катта майдонларни эгаллайди. Бу эса қишлоқ хўжалиги экинларини алмашлаб экиш имконини яратди.

Чўл ҳудудлари, хусусан Муборак, Нишон ва Косон туманларида тупроқнинг шўрланиш даражаси вилоятнинг ўртача кўрсаткичидан анча юқори. Бу ҳудудларда шўрланган майдонларнинг катталиги Қарши чўлида арид зонада жойлашганлиги ва тупроқ таркиби ва тупроқ қопламида буғланиш миқдорининг юқорилиги билан боғлиқ. Бинобарин, Қарши чўли учун доимий юза оқимининг йўқлиги, қуруқ ўзанларнинг мавжудлиги ва тупроқ – грунтларнинг юқори даражада шўрлиги, тушадига ёғинларга нисбатан буғланишнинг анча кўплиги хосдир. Қарши чўлининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олмай ерларни ўзлаштирилиши натижасида катта майдонларда тупроқ ювилиши, эрозия ҳодисаларининг турли кўринишлари, ер ости сувлари сатҳининг кўтарилиши натижасида шўртоб ва шўрхокланиш каби жараёнлар кузатилади. Қашқадарё вилоятида вужудга келган дегредациялашган ерлар қишлоқ хўжалик экин майдонларига, яйловларга ва экосистемаларига катта зарар етказмоқда. Шунингдек, ҳудуд табиатига антропоген таъсирнинг кучлилиги ландшафт– экологик муаммоларни келтириб чиқармоқда ҳамда экотизимларнинг ўзаро модда ва энергия алмашинувида ва мувозанатини бузилишига сабаб бўлмоқда.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини молиявий қўллаб-қувватлаш, нафақат суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, балки уларни минерал ўғитлар, техника, уруғлик ва бошқа ишлаб чиқариш ресурсларидан мунтазам фойдаланиш имкониятини яратди. Бу, ўз навбатида, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини йилдан-йилга юқори бўлишини таъминлади. Натижада, ердан олинадиган даромад ошишига, маҳсулот ишлаб чиқариш рентабеллигига эришилди [3;12-13 б.]. Қашқадарё воҳасида суғориладиган ерлардан фойдаланишни оптималлаштириш учун

қуйидаги манбалардан самарали фойдаланишни илмий асосда ўрганиш ҳамда карталаштириш зарур: асосий каналлардан дехқончиликни ривожлантириш карталарини ишлаб чиқиш ва зарур дехқончиликни режалаштириш карталарини тайёрлаш; дренаж тизимлари ва ирригация суви таъминотини ва ер ости сувларидан фойдаланиш ҳамда у асосида суғориш имкониятларини карталаштириш ва бошқалар.

Хулоса. Шундай қилиб, Қашқадарё вилояти қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида суғориладиган ерларнинг самараси жуда юқори бўлиб, мамлакат пахта ва ғалла ялпи ҳосилида етакчи ўринни эгаллайди. Суғориладиган ерларнинг ҳолатини мунтазам назорат қилиб бориш натижасида кўзланган ҳосилни олиш имконияти яратилади. Сўнгги йилларда жаҳонда вужудга келган глобал муаммо – озиқ-овқат хавфсизлиги ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан қишлоқ хўжалигини модернизация ва диверсификация қилиш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини қониқарли даражада назорат қилиш мақсадида: а) алмашлаб екишни мунтазам амалга ошириб бориш; коллектор-дренаж тармоқларини замонавий технологиялар асосида қайта реконструкция қилиш ва янгиларини барпо этиш; дехқончиликда суғоришнинг замонавий усулларида фойдаланиш; агротехник тадбирларни замонавий технологиялар асосида қўллаш; табиий-иқлимий таҳдидларга тайёр туриш; қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши инфратузилмасини кенгайтириш ва уларнинг фаолиятини назорат қилиш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Юсупова К.У. Қашқадарё воҳаси ландшафтларига ирригацион иншоотлар таъсирини оптималлаштириш йўллари //“Ўзбекистонда география фанининг долзарб масалалари” республика илмий-амалий конференцияси материаллари Термиз, 2020 .-45 -48.
2. Қашқадарё вилояти статистика бошқармаси маълумотлари 2020.
- 3.Файзуллаев М.А Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари //«Олий таълим тизимида табиий фанлар: илмий тадқиқот, ўқитиш ва малака ошириш муаммолари» мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Фарғона-2018. 12-13 б.